

ҚУРИЛИШДА БАҲОЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМИ ҲАҚИДА

Б.БОЗОРОВ¹

¹ Тошкент Давлат иқтисодийёт университети

мустақил изланувчиси

МАҚОЛА МАЪЛУМОТИ:

АННОТАЦИЯ:

МАҚОЛА ТАРИХИ:

Received: 06.11.2024

Revised: 07.11.2024

Accepted: 08.11.2024

КАЛИТ СЎЗЛАР:

Ресурс тақсимоти,
Харажатлар, Лойиҳа
Бошқарув, Техник
хужжатлар, Меҳнат
сарфлари.

Механизм ҳақида: Қурилиш соҳасида сметалар тузилиши ва уларнинг шаклланиши механизми қурилиш лойиҳасининг иқтисодий самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Сметаларнинг шаклланиши материаллар, меҳнат сарфлари, техник хужжатлар ҳамда бошқа харажатлар тўғрисидаги маълумотларни қамраб олган ҳолда, ҳар бир объект ёки иш тури учун аниқлаштирилган. Механизм, бошқарувнинг самарадорлигини ошириш ва тўғри ресурс тақсимотини йўналтиришда муҳим ўрин тутиб, лойиҳанинг умумий ижрочилик сифатига ҳам таъсир кўрсатади.

КИРИШ. Марказлаштирилган капитал қуйилма (инвестиция)лар ҳисобига молиялаштириладан объектлар қурилишида нархлар ошиши муаммоларини муваффақиятли ҳал этишда шу соҳада баҳоларни шакллантириш механизми ҳам катта роль ўйнайди. Шунинг учун қуйида масаланинг ушбу жиҳатига ҳам ўз эътиборимизни қаратамиз.

Бу жараёнда, дастлаб, шартли равишда бўлса-да, қурилишда баҳоларни шакллантириш тизимининг қандай туркумланишига эътибор қаратиш зарур. Унга кўра қурилишда баҳоларни шакллантириш тизими қуйидаги белгилар бўйича туркумларга ажратиш мумкин: а) баҳо элементлари сонига кўра тўғри (бевосита) харажатлар; эгри (билвосита, устама) харажатлар; режавий жамғарилмалар); б) баҳонинг таркибий тузилмасига мувофиқ (харажатлар ва фойда); в) баҳонинг қўлланиш соҳаси бўйича (бевосита қурилишда, қурилиш индустриясида).

Бевосита (тўғри) харажатлар маълум бир қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун талаб (истеъмол) қилинадиган қурилиш материаллари қиймати, шу қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун қўлланиладиган асосий иш ҳақи ва қурилиш машиналари ҳамда механизмларини эксплуатация қилиш билан боғлиқ бўлган харажатлардан таркиб топади.

Бевосита (тўғри) харажатлар тўғридан-тўғри қандайдир қурилиш ва монтаж ишларини бажариш билан боғлиқ. Уларнинг таркибига ишчиларнинг асосий иш ҳақи (ёрдамчи ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатувчи хўжаликларсиз), қурилиш материаллари ва конструкциялари харажатлари, қурилиш машиналари ва механизмларини эксплуатация қилиш харажатлари ва бошқа харажатлар киради.

Ўз навбатида, қурилиш машиналари ва механизмларини эксплуатация қилиш харажатлари: а) транспортировка харажатлари; б) ортиш ва тушириш харажатлари; в) монтаж ва демонтаж харажатлари; г) қурилиш майдони доирасида машина ва механизмларни қайта жойлаштириш харажатлари ҳамда уларнинг амортизацияси; д) иш ҳақи; е) электр энергияси ва ёқилғи харажатлари ва б.лардан таркиб топади.

Бошқа бевосита (тўғри) харажатлар эса қурилиш майдонидан ортиқча тупроқ ва ер, чиқинди ва б.ларни ортиб жўнатишдан иборат бўлади. Ишнинг тури ва қўлланиладиган материаллар, конструкция ва механизмларга боғлиқ равишда бу элементлар ҳар бирининг салмоғи кенг ўзгариб бориши мумкин. Ўртача олганда, барча бевосита (тўғри) харажатлар салмоғида иш ҳақи 15,0-20,0%ни, материаллар ва конструкциялар - 60,0-70,0%ни, қурилиш машиналари ва механизмларини эксплуатация қилиш - 10,0-15,0%ни, бошқа харажатлар эса 1,0-5,0%ни ташкил этади.

Қурилишда баҳоларни пасайтириш ёки нархлар ошиши боғлиқ бўлган муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш учун унда таркиб топган баҳоларни шакллантиришнинг таркибий тузилмасига ҳам эътибор бериш керак. Ўз таркибий тузилмасига кўра қурилишда баҳоларни шакллантириш: а) бевосита (тўғри) харажатлар; б) билвосита (эгри, устама) харажатлар; в) сметаий фойдадан иборат бўлади. Юқорида бевосита (тўғри) харажатлар тўғрисида батафсил тасаввурга эга бўлганлигимиз учун биз бу ўринда унинг қолган икки таркибий тузилмаси (билвосита (эгри, устама) харажатлар ва сметаий фойда)га тавсиф билан чекланамиз.

Билвосита (эгри, устама) харажатлар бевосита қурилиш маҳсулотларини яратиш билан боғлиқ бўлмайди. Улар қурилиш ишлаб чиқаришига умумий шароитларни яратиш, уни ташкил қилиш, бошқариш ва унга хизмат қилиш билан боғлиқ бўлади. Булар инженер-техник ва маъмурий-бошқарув ходимларини сақлаш, омборхоналар ва

таъмирловчи базалар ва шунга ўхшашларни сақлаш билан боғлиқ бўлган харажатлардир. Билвосита (эгри, устама) харажатлар бевосита (тўғри) харажатлардан фарқ қилиб, улар бевосита алоҳида конструктив элементларни тайёрлаш ва монтаж қилиш, шунингдек, ишларнинг алоҳида турларини бажариш билан ҳам боғлиқ бўлмайди. Бу харажатлар бевосита (тўғридан-тўғри) бажарилган ишлар ҳажмининг ўсишига олиб келмайди, лекин билвосита уларнинг шундай бўлишига ёрдам беради. Билвосита (эгри, устама) харажатларга, умумий тарзда олганда, қурилиш жараёнини ташкил қилиш, унга хизмат қилиш ва бу жараёни бошқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар киради. Бу харажатлар харажатларнинг қуйидаги моддаларини ўз ичига олади: а) қурилиш ташкилоти (фирма)нинг маъмурий-хўжалик харажатлари; б) ишчиларга хизмат кўрсатиш харажатлари; в) ишлаб чиқариш ишчиларининг қўшимча харажатлари: атмосфера шароитларига биноан бўш туришларни тўлаш, таътиллари тўлаш, бригадага раҳбарлик қилганлик учун бригадирга тўловлар, ишчиларнинг социал страхованиясига ажратмалар, ўт-ўчириш ва қурилишни кўриқлаш, ишчиларни ташкилий равишда танлаб олиш, ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари ва инвентарларни сақлаш, қурилиш майдон-ларини ободонлаштириш қурилиш объектларини топширишга тайёрлаш ва б.лар бўйича харажатлар киради.

Билвосита (эгри, устама) харажатлар бевосита (тўғри) харажатларнинг тўлиқ суммасига нисбатан фоизларда ҳисобланади ва улар катта ораликда (12,0-20,0%) тебраниши мумкин. Монтаж ишларига бу харажатлар бевосита (тўғри) харажатлар таркибида бўлган ишчиларнинг асосий иш ҳақларига нисбатан ўрнатилади. Хусусан, асбоб-ускуналарни монтаж қилишга - 70,0%, электромонтаж ишларига - 76,0% ва ҳ.к.

Қурилишнинг давомийлигини қисқартириш шартли-доимий билвосита (эгри, устама) харажатлар деб номланувчи шундай харажатларнинг қисқаришига олиб келади. Уларнинг таркибига маъмурий-хўжалик харажатлари, вақтинчалик иншоотлар ва қурилмаларнинг эскириши, ўт ўчирувчилар ва кўрувчилар, лойиҳа гуруҳлари ва б.ларни сақлаш харажатлари киради. Йириклаштирилган ҳисоб-китобларда бу харажатларнинг салмоғи умумқурилиш ишлари бўйича билвосита (эгри, устама) харажатларнинг 50,0%гача, ихтисослаштирилган ташкилот (фирма)лар бўйича эса, 30,0%гача бўлган қисмини ташкил этади. Қурилишда меҳнат сиғимининг қисқартирилиши билвосита (эгри, устама) харажатларнинг иқтисод қилинишига олиб келади. Бундан ташқари, яна шуни ҳам қайд этиш керакки, билвосита (эгри, устама) харажатлар бевосита (тўғри) харажатлардаги асосий иш ҳақиға нисбатан ўртача

15,0%ни ташкил этади ва бу нарса харажатларнинг қисқартирилишида ҳисобга олиниши керак.

Юқорида таъкидланганидек, ўз таркибий тузилмасига кўра қурилишда баҳоларни шакллантириш сметавий фойдани ҳам ўз ичига олади. Фойданинг бу кўриниши фақат қурилиш соҳаси учун хос бўлиб, у қурилиш объекти қийматини лойиҳалаштиришда кўзда тутилади ва қурилиш ташкилоти (фирмаси)нинг режалаштирилган фойдаси ҳисобланади. Ана шундай характерга эга бўлган режавий жамғарилмалар шартномавий ёки меъёрий ўлчамда бўлиши мумкин. Одатда, уларнинг меъёрий ўлчами (даражаси) буюртмачи ёки инвестор томонидан аниқланади. Амалиётда билвосита (эгри, устама) харажатлар бевосита (тўғри) харажатларнинг 12,0-27,0% атрофида бўлса, режавий жамғарилмалар бевосита (тўғри) ва билвосита (эгри, устама) харажатларнинг 6,0-8,0%ига тенг бўлади. Шунингдек, режавий жамғарил-малар қурилиш-монтаж ташкилотлари (фирмалар)нинг режалаштирилган фойдаси, ўз асосий ва айланма капитални модернизация қилиш ва тўлдириш, бюджетга тўловлар ва ўз капитал қуйилмаларини молиялаштириш манбаи бўлиб ҳисобланади. Бундан ташқари, режавий жамғарилмалардан ишчилар ва инженер-техник ходим-ларнинг маданий-маиший шароитларини яхшилашда ҳам фойдаланилади. Қурилиш-монтаж ташкилот (фирма)лари режавий жамғарилмаларининг миқдори (ҳажми), одатда, бевосита (тўғри) ва билвосита (эгри, устама) харажатларнинг 8,0% даражасида белгиланади.

Шундай қилиб, юқорида баён этилганлардан кўриниб турибдики, жумладан, марказлаштирилган капитал қуйилма (инвестиция)лар ҳисобига молиялаштириладан объектлар қурилишида нархлар ошиши муаммоларини муваффақиятли ҳал этишда шу соҳадаги баҳоларни шакллантириш механизми ҳам катта роль ўйнаши, шубҳасиздир.